

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 82 (65958)
1996 йил, 6 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нархда

БҮЛАР БОЛА БОШИДАН

Суратлардаги ёшгина ихти- рочиларга меҳр билан боқар эканман, беихтиёр шу мақол- ни такрорлайман. Ростда, ҳа- ли узи тенги аксар болалар ўқи- тувчиси уйга берган вазифани бажариб-бажармай, базур ўқиб юрибди. Улар эса узига хос их- тиролар қилишга-да улгурди- лар. Демак, улар уртоқлари- дан уз иқтидорлари билан аж- ралиб турадилар. Оллоҳ уларга зеҳн билан биргалликда туган- мас гайрат ҳам ато қилганки, асло тиниб тинчишмайди. Ахир

оддийгина янгилик яратиш учун ҳам ҳазилакам меҳнат талаб қи- линмайди-да.

Тугрисини айтсам, узига хос истеъдод соҳиби булган бу ёш- лар халқимизнинг бебаҳо бойли- гидир. Уларни авайлаб-асраш, керакли шароитлар яратиш бе- риш эса ҳар биримизнинг бур- чимиз. Республика ўқувчилар техник ижодиёт маркази ҳам худди шундай савобли вазифа- ни уз буйнига олган. Марказ яқинда яна бир ажойиб ташаб- бусга қул урди: Республика ми-

қёсидаги болалар техник ижод- корлиги кургазмаси утказилди.

Республикаимизнинг Тош- кент шаҳри ва 10 та вилоятдан ташриф буюрган ёш ихтирочи- лар узларининг 110 дан ортиқ асарларини кургазмага қуйди- лар. Турли соҳаларда яратил- ган ижод намуналари кузни ку- вонтирар экан, баҳоловчи ҳайъат аъзоларини ҳам қийнаб қуйди. Бир-биридан қолиш- майдиган бу тинимсиз меҳнат натижалари орасидан голибни топишининг узи буладими, ахир?!


Сиз суратда куриб турган ма- на бу темир одам самарқанд- лик бошланғич техник модел- лаштириш тугараги аъзолари- нинг қулида дунёга келган. Бу «Робот» шу йуналиш буйича 1- уринни эгаллади. Жудаям ар- зийди-а болалар?

Мана бу суратдаги «Электро- ника БТ-27» ҳисоблаш аппара- тини эса Сурхондарёлик урто- гингиз Нажмиддинов Сайфил- дин уйлаб топди. У Сарисийе туманидаги 21-мактабнинг 7- синфида ўқийди. Қандай ях- ши—ҳам ўқувчи, ҳам ихтирочи! Сиз унга ҳавас қилиясизми? Ўқув кургазмали қуроллар йуналиши буйича голибликни қулга ки- ритган бу тенгдошининг

битта сири бор. Айтайми? Майли, қулоғингизни тутинг: Тинимсиз меҳнат, ўқиш ва ур- ганиш. Келинг, Сиз ҳам бир

уришиб куриг. Зора, кейинги кургазмада қатнашиш Сизга ҳам насиб қилса!...

Норбек ТОШНИЁЗОВ.



Одамларга шодлик келтирайлик

Гулнозаларнинг қушниси Клара хола каттакон ҳовли- да ёлғиз узи яшайди. Яқин қариндош-уруғлари, ўғил- қизлари булмагани сабабли бир оз маънос куринади. Бирор инсон уйларига кириб борса, айланиб-урғулиб, елиб-югуриб дастурхон тузайдилар, ўзлари ҳам қушни- ларниқига тез-тез чиқиб турадилар.

Кушларнинг бирида холанинг оёғи лат ёб, уч-турт кун кучага чиқа олмади.

—Клара холам курирмай қолдилар, бир хабар олайми? — деди Гулноза ойисига.

Муҳаббат опа қизалоғининг ғамхўрлигидан қувонди. Ҳатто қизчаси ҳовли юзида курирмай қолганда ҳам «хола- синикидадир» деб хавотирланмади.

БИЗГА АЙТАВЕРИНГ, КЛАРА ХОЛА

Орадан бир-икки соат утар-ўтмас, ҳовлида Клара хола пайдо булди.

Кушнижон, қизингиз ҳовлимни чиннидек қилиб йи- гиштириб супуриб берди, емғир емагандан буен сув тегмаганди, барака топсин, — дуо қилди онахон.

Муҳаббат опа болаларига қаради. Гулноза укаси Их- тиер билан бир чеккада туришар, уларнинг юз-киприк- лари чанг-чунг эди. «Нима ишингиз булса, бизга айтаверинг, Клара хола»,— деди Гулноза мақтовдан қизариб.

Гулноза Мақсудова Тошкентдаги 25-мактабнинг 3- синфида ўқийди. Аълочи. Дусларига ҳам меҳрибон. Унинг мақсади доимо одамларга шодлик келтириш.

Шаҳноза ШАРИПОВА.

ИБО МАРКАЗИ

Мақтабимизда ўқувчилар- ни миллий анъаналаримиз ру- ҳида тарбиялашга катта аҳа- мият берилмоқда. Бунинг учун «Ибо маркази» ташкил этилган. Марказга катта ҳаёт тажрибасига эга булган муал- лималаримиз бошчилик қи- лишади.

Яқинда «Ибо маркази» қатнашчилари иштирокида қизиқарли беллашув булди. Унда ўқувчилар алла айтиш, миллий таомлар пишириш,

дастурхон безатиш, меҳмон кутиш сингари урф-одатлар буйича куч синашишди.

Бундай мусобақалар ўқув- чиларни, айниқса қиз бола- ларни турмушга тайёрлашда катта аҳамиятга эга.

Дилфуза ИСОҚОВА,
Андижон вилояти,
Шаҳрихон шаҳридаги
«Намуна» мактаби
ўқувчиси.

ОЛТИН КУЗИМ— ТОТЛИ КУЗИМ

Усмон Юсупов туманидаги Йулдош Қурбонов номли мак- табда «Олтин кузим-тотли ку-

Бизнинг почта

зим» деб номланган байрам бул- ди. Катта дастурхон тузалиб, ширин-шакар мевалар, хуш- таъм полиз маҳсулотлари қуйил- ди. Ўқувчилар икки тараф бу- либ, бир-бирларига куз неъмат- лари ҳақида саволлар беришди. Топқир ва билимдонлар — Жо- бир Мамажонов, Мухлиса Ға- ниева, Шерали Самандаров ва бошқалар тарвуз қовун, хурмо, беҳи, буғдойларни қайси усим- ликлар оиласига мансублиги, устириш, қай ҳолатда етишти- риш ҳақида қизиқарли ҳикоя қилиб беришди.

Файзулла ЭШҚУЛОВ,
Қашқадарё вилояти.





ЁРДАМ БЕРСАМ, ЕНГИЛ ТОРТАМАН

Авалло уз қадрини билган инсон, бошқалар қадрига ҳам етади, дейди донолар. Яхши ишлар қилсам, устозларим, яқинларимнинг кўнглини олсам, уз-узидан фахрланиб кетаман. Яхши ўқийман, синф етакчисиман. Алгебра, геометрия фанларини яхши кураман, чет тилини урганапман. Немис тилидан туман мактаблари буйича утказилган олимпиадада 2-уринни олдим.

Булардан ташқари, футбол жону дилим. Синфдошим, яхши футболчи Нуриддин Шамсиддиновнинг ҳаракатлари, энчилиги, моҳирлиги туфайли мактаб чемпиони бўлдим. Яна бир қувончим — дарсдан сўнг ота-оналаримизга кумак бериш ниятида пахтазорга чиқаман. Кунига 30-40 килограммдан пахта тераяпман. Кимгадир ёрдам берсам, енгил тортаман.

Шерали Жўраев,
9-синф ўқувчиси.

Қуйи синфларда ўқийганимда ҳам тарихга қизиқардим. Республикаимиз мустақил булганидан сўнг қизиқишим яна ортди. Тугаракка ёзилдим. Муаллимаимиз Розия опа Абдужалилова раҳбарлигида тарих музейини ташкил этишга киришдик. У ердаги экспонатлар она Ўзбекистонимизнинг

утмиши ҳақида ҳикоя қилади.

Музейимиз ҳар куни мактаб-

«ТАРИХЧИЛАР» ДЕЙИШСА ФАХРЛАНАМИЗ

дошларим, ҳатто қушни илм даргоҳларидан келадиган тенгдошларим билан гавжум булади. Баъзан мен меҳмонларга ва

кичкинтойларга экскурсоводлик ҳам қиламан. Бу ишлар

мени кўп марта олимпиадаларда иштирок этишимга ва голиб чиқишимга фойда берди.

Наргиза Пўлатова,
10-синф ўқувчиси.



ВАТАНИМНИ КУЙЛАСАМ...

Кекса санъаткор Жамол ота Низомхужаевнинг: «Ватан, тупроқларингни кўзларимга тутие айлай, ҳаётим борича меҳрингни қалбим узра жо айлай» деб бошланувчи қушигини тинглаганимда санъатга меҳрим тушиб қолганди. Шушу оз-оздан хиргойи қилиб тураман. Айниқса, она Ватан, буюк аждодларимиз, донишманд боболаримиз ҳақидаги шеърларни куйга соламан. Ҳозиргача «Ўзбекистоним, мадҳ этай», «Амир Темура бобо», «Жаннатмақоним», «Юртим сарбони», «Она» ва бошқа қушиқларни ургандим. Орзуим, узим шеърлар ёзиб, узим куй басталаб, эл севган қушиқчи бўлиш.

**Фазилат
МУҲАМАТҚУЛОВА,**
11-синф ўқувчиси.


Сурхондарёлик

ёш

мухбирлар

хабар

қиладилар



ҚАЙ БИРИНИ АЙТСАМ ЭКАН?

Ютуқларим, йўғ-е, ютуқларимиз жуда кўп. Қай бирини айтсам экан? Келгусида иқтисодчи бўлмоқчиман. Шунинг учун ҳам математика билан мунтазам шуғулланапман. Тугарак машғулотларида фаолман. Буш вақтларимда футбол уйнайман. Синфимиз командаси мактаб буйича иккинчи уринда. Куй-қушиқни яхши ку-

раман. «Шалола» ансамблимиз байрамларда, қувончи қўнларимизда фаол. Узим қатнашадиган «Светофор» командамиз билан республика телевизион мусобақасига тайёрланапман.

Рустам Ҳолиқов,
8-синф ўқувчиси.

Юқорида мақолалари эълон қилинган Саросиё туманидаги 18-мактаб ўқувчиларининг редакциямизга қўнғироқ қилишлари, газетамизнинг мухлислари ва фаол мухбирлари кўп бўлгани сабабли обуна қизғин давом этаётган экан.



Тарбия чироклари

САЙФИ САРОЙИ НИМА ДЕЙДИ?

Сайфи Саройи. Ўрта асрларда Олтин Ўрда давлатининг маркази — Сарой шахрида яшаб ижод этган бу донишманд инсон «Саройи» тахаллусида шеърлар битган. 1320 йилда туғилиб, етмиш олти йил умр кўрган. Бизгача бобомизнинг икки асари етиб келган. Булар: «Туркийча Гулистон» ҳамда «Сухайл ва Гулдурсун» дир.

«Туркийча Гулистон» форс-тожик адабиётининг атоқли намоёниси Саъдийнинг «Гулистон» асарининг туркий тилидаги таржимасидир. Китоб тўғридан-тўғри таржима қилинмасдан назира усулида ёзилган. Назира — ўздан аввал ўтган шоирларга жавоб. У ахлоқ-одоб, панд-насихат руҳида ёзилган.

Куйида «Туркийча Гулистон» асаридан парча келтирамиз.

— Эҳ, тепса темир узган гайратли арслоним! Ҳаётга янги келган бир ёшли кунинг эсингда булса, унда бугун сен мени жабрламас эдинг.

Хўш, ҳозир сен ким, мен ким? Сен полвонсан, мен бир қари одамман.

Шайх Саъдий айтади: «Бир бой кишининг ўглини кўрдим. Отасининг қабри боши-

да утириб, бир камбағалнинг ўгли билан талашди:

— Менинг отамнинг қабри ҳар хил нақшлар билан жиҳозланган, олтин билан ёзилган кўк мармар тош қуйилган, сенинг отангинг гури эса бир неча қатор гиштдан солинган.

Бу сўзни эшитган камбағалнинг ўгли айтди:

— Сенинг отанг оғир тош-

лар остидан қўзғолгунча менинг отам жаннатга етиб боради.

Шайх Саъдий айтади: «Бир кишининг аёли ҳомиладор эди. Вақти етди. Бурун бу кишининг боласи йўқ эди. Айтди:

— Тангри таоло агар менга ўғил берса, устимдаги чопонимдан узгасини бева-бечо-

раларга улашиб берар эдим. Хотини ўғил кўрди. У киши ваъдасида туриб, дунеларини улашди. Узига сиҳат-саломатлик билдирган ёр-биродарларига ош берди.

Бир неча йилдан сўнг қайтиб келдим. Уша кишининг овулига келиб, ҳолини суриштирдим. Айтди:

— Зиндонда ётибди.

— Нега?

— Фарзанди безори бўлиб, бировлар билан уришиб, киши улдириб, шаҳардан қочиб кетди. Угли учун отасини ушлаб, қўл оёғига кишан солиб зиндонга ташлашди.

Шунда: — Онаси тўққиз ой, ун кун кутариб қувониб кутган эди. Бундай ўғил туққунча илон топгани, яхши эди», — дедим.

**Мутаржим: Кидирбой
Тўлабоев.**

Луқмони Ҳакимдан сурадилар: — «Одобни кимдан ургандинг?»

Жавоб берибди: — «Одоб-сизлардан ургандим».

Ака-ука икки йигит бор эди. Бири султон хизматчиси, иккинчиси қосибчилик билан умр кўрарди. Бир куни қосиб укасига оғаси айтди: «Оғир меҳнатдан қутулиб, хизматкор бўлмайсанми?». Иниси: «Нега сен касб қилиб хизматчиликнинг оғир азобидан қутулмайсан?»

Ҳикматли сўз бор: «Кишига хизматкор бўлиб олтин қилич ушлагунча, уз уйингда эркин билан утириб, гужа ичганинг яхши».

Бир куни Рустам онасига қаттиқ сўз айтди. У кишининг кўнгли ранжиб, шундай деди:

Кузлари беғубор чарақлаб турган мана бу қизалоқ нимаси биландир кишини узига тортади, тўғри эмасми? Қизиқишим натижасида билдимки, суратнинг тахририятимизда пайдо бўлишининг узоқ тарихи бор

пайтлар бизнинг Моворуннахру Афғонистон бу мамлакат билан бир яхлитликни ташкил қилар, боболаримиз бу катта улқада бемалол бир уйдаги каби яшардилар. Буюк бобомиз Алишер Навоий умрининг асосий қисми уша



лоқнинг айтишича, шоир Исхор ул-Ҳақ икки ойдан бери шифохонада ётган, иситмаси ҳеч тушмаётган экан. Дадахон ака зудлик билан оиласини олиб Исломободга учди. Дустининг олдига бориб у билан ку-

инглиз тили билан ҳам шуғулланади. Бу соҳаларда ундан урнак олсангиз арзийди, албатта. У билан дустлашишни хоҳлаганлар эса бизга мактуб йуллашлари мумкин. Хатни Исломобод-

МАРЗИЯ СИЗНИНГ ДЎСТИНГИЗ

томонларда утганлигиёқ гапларимизга исбот булади.

Шунинг учун булса керак, бугунгача ҳам Ўзбекистон ва Покистон деб аталмиш, қардошлиги номидан-да куришиб турган икки мамлакат фуқаролари бир-бирларига талпинадилар. Покистоннинг машҳур шоири Исхор ул-Ҳақ ҳам худди шундай инсонлардан бири. У 1991 йилда мустақилликка эришганимиздан жуда севиниб кетди ва ҳамюртимиз Дадахон Нурийга мактуб йуллаб, алоқани мустақамлашга чорлади. Шушу икки юртнинг икки оиласи уртасида дустлик ришталари мустақкам боғланди. Борди-келдилар йулга қуйилди.

Мамлакатимиз гузаллигига ошуфта Исхор ул-Ҳақ бирида икки яшар қизалоги Марзияни ҳам олиб келган эди. Жажжи Марзияхон ушандан бери Ўзбекистонни соғиниб яшайди. Дадаси бу ердан олиб кетган китоб ва газеталардан фойдаланиб ўзбек тилини ўргатадиган тугарак очган.

Бу ишда Марзия ҳам жон-жон деб кумақлашади. Шундай қилса Ўзбекистонга яна боришларига ишонади.

Аслида, бунчалик меҳр қизчага дадасидан утган десак, янглишмаймиз. Ахир, ўзбекнинг ҳақиқий дўстига айланган Исхор ул-Ҳақнинг қалбида юртимизга нисбатан буюк муҳаббат яшайди. У кейинги йилларда ўзбек адабиётининг ҳақиқий тарғиботчисига айланди. Покистондаги ўзбекларга асарларимизни етказишда, тилимизни урганиш истагида булганларга эса муаллимлик қилишда асло тиниб-тинчимади. Яқинда у Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» асарини таржима қилиб, уни саҳналаштириш ташаббуси билан чиқди.

Мана бу воқеа эса унинг халқимизга булган муҳаббатини ёрқинроқ намоён қилади.

Утган қиш кунларидан бирида Дадахон Нурий Исломободга, уртогининг уйига қўнғироқ қилди. Телефон гушагини қўтарган Марзия билан саломлашиб, роса гаплашишгач, дадасини сўради. Қиза-

ришар экан, мана сизга Ўзбекистондан дўхтирларни олиб келдим, деди Лола Мелибоева ва оиласи Чаман Нуриддиновларни курсатиб. Шоир хурсанд бўлиб кулди: «Сизларнинг келганингизнинг узи шифо мен учун».

Бахтни қарангки, ростдан ҳам шундай булди. Бемор шу куни уйига қайтиб дўстларини меҳмон қилди. Иситмадан дарак ҳам қолмади. Муҳаббатнинг кучи шу булса керакда...

Мана бу суратни ҳам тахририятимизга Дадахон Нурий олиб келдилар. Марзия чизган расмлардан намуналарни ҳам. Энди олтига кирган қизча ўзбек уртоқларининг расминини чизишга шунчалик уринибдики, бу ҳақиқий меҳрининг натижаси, холос. Мустақкам дўстлик рамзи сифатида уларни ҳам эътиборингизга ҳавола қилияпмиз.

Ҳа, айтмоқчи, Марзия акаларини каби компьютерда ишлашни ўрганипти. У махсус

лик дўстларингизга етказишни биз уз буйнимизга олаемиз. Фақат бир нарсани ёдингиздан чиқарманг: Марзия юртимизни жудаям яхши кўради. Демак у Ўзбекистонга, қолаверса, сизга энг яқин ДУСТ!

Ростгўй БОЛА

«Чангалдаги улоқ»ни ўқиб...

**«ЧУҲ»
ДЕГАНДИМ,
«УЧИБ»
КЕТДИ**

Қушнимиз Дилшод ака от боқадилар. Ҳар доим уни стаклаб юрганларини кўрсам ҳавасим келарди. «Қани энди мен ҳам от миниб, узоқ-узоқларга шамолдек учсам» — дея орзу қиламан.

Бир куни мактабдан келатуриб, дарахтга боғлиқ турган тойни кўрдим. Атрофда ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб амаллаб унга миниб олдим. Той ҳам шунини кутиб тургандай индамай турди. Кейин «чуҳ» дейишим билан қўнонам «учиб» кетдики, уни қандай тўхтатишни билмай ҳушим учди. Кучани бир айланиб келгандан сўнг сал ховридан тушиб секинлай бошлади. Шу пайтда узимни сал бўш қуйганимни биламан, орқа оёқларини бир депсиб сакраб қолувди, бир лаҳзада ерга қоптоқдек учиб тушдим. Қушимни очсам тепамда ойимлар йиғлаб турибдилар. Той ҳам жойида йўқ...

Бир ой қулим гипсда юрди. Лекин мен ниятимдан қайтганим йўқ. Албатта чавандоз буламан.

Зуфар ОРИФХЎЖАЕВ,
Тошкентдаги 268-мактаб
ўқувчиси.

САВОДХОН БЎЛИШЯПТИ

Бу йил республикамиздаги мактабларнинг биринчи синф ўқувчилари лотин алифбоси асосида савод чиқараётдилар. Сирли ҳарфлар қаршисида нафақат улар, балки ота-оналарнинг узлари ҳам ҳайратга тушмоқдалар. Наманган туманидаги «Наргиз» номли 17-болалар боғчасида бу соҳадаги ишлар намунали олиб борилмоқда. Бу боғчада турли маҳаллардан келган юздан зиёд болалар тарбияланишяпти.

Йил бошидан бери боғчадаги тайёрлов гуруҳида янги алифбо — лотин графикасида кучирилган ёзув асосида таълим берилляпти.

Бундай қулайликдан барча ота-оналар ниҳоятда хурсанд. Ахир, фарзандлари мактабга ҳали ота-оналари ҳам кўникиб ўлгурмаган саводхонликни эгаллаб қадам босишяпти. Катталар эса уларни янги тартибда ўқишга тайёрлаш ташвишидан ҳалос бўлишяпти. Маҳалладаги катта-ю кичик «Наргиз» болалар боғчасининг мураббий-тарбиячиларидан мамнун.

Муҳаммадқодир ОТАХОНОВ.

Суратда: «Наргиз» болалар боғчасининг тайёрлов гуруҳи тарбиячиси Феруза Ҳожиева болаларга лотин алифбосини ўргатиш машғулотида. Ферузанинг «Илк қалдирғочлар» и ҳозир мактабнинг биринчи синфидан ўқийётган.

П. Акбаров сурати.



Эртақ кетидан эртақ



Утган замонда бир подачи булган экан. Унинг оти Зикриё, хотинининг оти Зиннат экан. Уларнинг уч қизи бор экан. Кунлар, ойлари утиб, Зиннат яна ҳомиладор бўлибди. Зикриё унга: «Агар яна қиз тугсанг, қизингни ҳам узингни ҳам улдираман», дебди. Кунлар, ойлари утиб, Зиннатнинг ой кунни етибди. Подачи далага кетганда Зиннат яна қиз тугибди. Бечора Зиннат боласини эски куйлак билан йургаклаб, эрдан қурққанидан бир чинорнинг тагига элтиб қуйибди-да:

— Болам, бахтинг ёр булсин, — деганча йиглаб, уйига келибди. Зиннат ҳеч нарсани билмагандек Зикриёнинг пода боқиб юрган ерига овқат олиб борибди. Зиннатнинг аҳволини курган Зикриё:

— Сенга нима булди? Бирор еринг огрияптими? — деб сурабди. Зиннат эса тиз чуқиб, авф сураб: «Бир қошиқ қонимдан кечсангиз, касалиминг сабабини айтаман», — дебди. Зикриё: «Қонингдан кечдим, айт!» дебди. Зиннат: «Мана яна қиз тугдим. Анови чинорнинг тагига сиздан қурққанимдан яшириб қуйдим-да, бу ёққа келдим» — дебди.

Зиннат болани чинор тагига қуйиб кетиши билан чинор тепасига учта чиройлик қуш келиб қунибди. Биринчи қуш: «Шу қизнинг юрган йулларидан тилла пайдо булсин», — дебди. Иккинчи қуш: «Шу қиз кулганда кулгусидан гуллар очилсин», — дебди. Учтинчи қуш эса: «Шу қиз йиглаганда йигисидан марваридлар тукилсин», — дебди. Шундан кейин учиб кетибдилар. Чинор тагидаги гулакнинг қорни очиб йиглаб етган ерида марваридлар тукилиб қолибди.

Зиннат билан Зикриё боланинг олдига келиб қараса, бола йиглаган сари марваридлар тукилаётган эмиш. Буни курган Зикриё:

— Бу бола бежиз булмаса керак, — деб дарров куйнига солибди. Зиннат эса тукилган марваридларни бозорга сотгани олиб чиқса ҳеч кимнинг кучи етмабди, худди шу пайтда бир заргар келиб, марваридни бир неча минг тиллага сотиб олибди. Бу тиллалардан ҳаддан ташқари севинган подачи уйига келиб: «Энди бу қизим орқали биз ҳам бой булиб кетамиз, шекилли» — деб хурсанд бўлибди. Ойдан-ой утиб, йилдан-йил утиб, қиз катта булиб юра бошлабди ва кула бошлабди. Қиз юрганда изидан тиллалар пайдо булар экан, кулганда дунёда булмаган ажойиб гуллар очилар экан. Йиглаганда эса

килиб кетибди. Буларни курган Дилафзун Олтин қизга чексиз муҳаббат изҳор қилибди тақдир иноятиданми, Олтин қиз ҳам унга майл билдирибди. Икки қовушган еш жуда бахтиёр эканлар, йигит хушхабарни отасига баён қилибди. Қайсар шоҳ Олтин қизни келин қилмоқчи булиб, Зикриё савдогар билан кудалашибди ва туй тардудини кура бошлабди. Қирқ кечаю-кундуз туй беришибди. Қайсар шоҳ бир соябон арава ясатирибди. Унга Олтин қиз, Олтин қизнинг қанизи ва қаниз қизнинг онаси утириши керак экан. Бундан ташқари яна бир неча соябон араларни ҳозирлаб Зикриё савдогарни кига жунатибди. Бу аравадаги меҳмонларни Зикриё яхшилаб кутиб олибди. Зикриё савдогар бир неча кунлик харажатларини тайёрлаб араларини йулга равона қилибди. Келган меҳмонлар аравага чиқиб, келин тушган аравадан бир неча соат илгарилаб кетибди. Энг охирида келин, қаниз ва қаниз қизнинг онаси жунатибди.

Зикриё савдогар қизнинг аравага ҳаммаикидан қуп ва яхши овқатлар ҳозирланган экан. Лекин шундай бўлишига қарамай, қора ниятли қиз ва қаниз қизнинг онаси овқатнинг қуп қисмини узларига беркитиб олишибди. Олтин

қизнинг қорни очиб, овқат ейлик деган экан, қанизнинг онаси «Унг кузингизни уйиб берсангиз, бирга овқат еймиз», — дебди. Олтин қизнинг жаҳли чиқибди ва сабр қилиб йулда давом этаверибди. Яна бир неча кун йул юриб, жуда ҳам оч қолибди. Чидашликнинг имкони қолмабди. Яна қанизга «Энди овқат ейлик», — дебди. Яна қаниз қизнинг онаси: «Унг кузингизни уйиб берсангиз, бирга овқат еймиз», — дебди. Олтин қиз иложсиз унг кузини уйиб бериб овқат ебди. Бир неча кун йулда давом этгач, Олтин қизнинг қорни яна оча бошлабди. Олтин қиз яна овқат сурабди. Сурача: «Чап кузингизни уйиб берсангиз, овқат берман», — дебди. Олтин қиз икки куздан айрилиб қур бўлиб қолибди. Олтин қизнинг бутун усти бошларини ечиб олиб уни қонга булғаб аравадан думалатиб ташлабдиларда, узлари кетаверибдилар. Олтин қизнинг кийимларини қаниз қизга кийгизиб, худди Олтин қиз қиёфасига киритиб, Қайсар шоҳ дарвозасига етибдилар. Қайсар шоҳ уларни кутиб турган экан. Олтин қизнинг ҳислати бутун оламга эшитилганидан қизни томоша қилмоқчи экан. Лекин келган келин Олтин қиз эмас экан. Қизни аравадан тушириб, бир оз юрдирса ҳеч қандай тилла тукилмабди.

Шоҳнинг аччиги келиб: «Мен энди халққа ёлғончи булдим», дебди, қизни келин қилишдан воз кечиб, Дилафзунга қабул қилдирмабди. Бу қора ниятли кишилар халқ олдида шарманда булиб, Қайсар шоҳ фортидаги шаҳар атрофида бир қишлоққа бориб жойлашибдилар. Аравадан ташланган Олтин қиз ҳам йулда сув-сув деганча думаланиб кетаверибди. Худди шу вақтда бир чол утин тергани келиб қолибди. Қопни думалатган экан, ичидан «сув, сув» деган овоз эшитилибди. Дарҳол нима булса пешонамдан курдим деб, қопнинг оғзини очибди. Қараса қопнинг ярми марварид билан тула бир қиз етганмиш. Қизнинг икки кузи қур. Чол қиздан булган воқеани сурабди. Қиз бошидан утганларини бирма-бир айтиб берибди. Чол қизга нон-сув бериб, уйига олиб келибди. Чолнинг уйи ҳам Қайсар шоҳга қарашли ерда экан. Бир кун қиз чолга: «Мен бир гул берман. Шу гулни сиз пулга эмас, одам кузига сотиб келасиз. Бир куча билан бориб, иккинчи куча билан қайтасиз», — дебди.

Чол гул кутариб, «Гул келди» — деб бақириб кучаларни айланибди. Бир хотин бир эшикдан чиқиб: «Гулингиз қанча пул?» — деб сурабди. Чол «Гул пулга сотилмайди, одамнинг унг кузига сотилади», — дебди. У хотин унг куз олиб чиқиб, гулни сотиб олибди. Чол эса иккинчи куча билан қиз олдига севиниб келибди. Қиз чолдан унг кузни олиб, урнига солибди. Куз қизнинг унг кузига бояғидай урнашиб қолибди. Олтин қиз эртасига яна шу ишни такрорлаб, «Бугун чап кузга сотиб, бошқа йул билан қайтинг» — дебди. Чол яна уша хотинга сотиб, чап кузни олиб, бошқа йул билан уйига қайтибди. Ёвуз ниятли хотин чолнинг орқасидан изма-из поилаб келиб, уйини сураб қайтган экан. Чол кузни қизга берибди. Куз урнига бояғидай урнашиб қолибди. Қиз аввалгидай баркамол булиб кетибди. Бой-бисотли булгандан хурсанд булган чол, қизга: «Уз қулингиз билан бир ош қилиб берсангиз», деб илтимос қилибди. Бечора Олтин қиз хуп деб ёғни доғ қилиб турган пайтда, тусатдан муридан заҳарли модда тушиб, ёғни ут олиб, ут қизга уриб, қиз куйиб улибди. Бечора чол қизни қабрга қуйибди. Олтин қизни улдириш учун қора ниятли қаниз қизнинг ёвуз онаси муридан заҳарли, ут олувчи моддани ташлаган экан.

(Давоми бор).



дур-марваридлар тукиладиган галати қиз булиб камолотга етишибди. Бу қизнинг номини эса «олтин қиз» деб атай бошлабдилар. Отанаши бу қиз туфайли беҳад бой ва савдогар булиб, ҳеч қайси подшолардан қолишмайдиган булиб кетибди. Олтин қизнинг донгини Қайсар шоҳнинг угли Дилафзун ҳам эшитибди. Дилафзуннинг қирғийи учиб бориб Олтин қизнинг қасрига қунибди. Дилафзун қирғийни олмоқчи булиб, Олтин қизнинг қасрига яқин келиб қолибди. Олтин қиз Дилафзуннинг қирғийини кишт-киштлаб учуриб юбормоқчи булиб туриб, бирдан кулиб юборибди. Шу вақт Олтин қизни курган Дилафзун беҳуш бўлиб қолай дебди. Дилафзун Олтин қизга: «Сизни отангиз бир гурковга берармиш», — дебди. Буни эшитган Олтин қиз дарров йиглаб юборибди. Йиглаганда марваридлар ту-

ХАНДАЛАР

Уқитувчи уқувчиларга футбол бўйича иншо ёзиб, келишни буюрди Ҳикмат нима деб ёзишни билмади. Бошини қотира-қотира охири ёзди «Кучли ёмғир ёғяпти. Майдон

сирпанчиқ. Уйин қолдирилди».

Музаффар кўзгунни кўпига олиб, кўзини чирт юмиб турибди.

— Ҳа, нима қилляпсан?
— Қанақа ухлашимни кўряпман.

Туполончи уқувчига танбеҳ беравериб, чарчаган уқитувчи деди: — Сенга поақал уч кун она бўлганимда, буткул бошқача бўлиб кетардинг.
— Майли, дадам билан гаплашиб кўрай, балки рози буларлар...

Уқитувчи суради: — Қани, айтинг, болапар, сичқон қанча умр кўради?
— Бу мушукка боғлиқ, — деди Азизхон.
Уқитувчи: Қўйдан қандай маҳсулотлар олина-

ди?
Уқувчи: Жун.
Уқитувчи: Хўш, жундан нима қилинади.
Уқувчи: Билмайман.
Уқитувчи: Устингдаги пальтонинг нимадан тикилган?
Уқувчи: Дадамнинг эски пальтосидан...

<p>ТОНГ ЮЛДУЗИ Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси</p>	<p>Бош муҳаррир Умида АБДУАЗИМОВА</p>	<p>Таҳрир ҳайъати: Наримон ОРИФЖОНОВ, Омон МАТЖОН, Гулнора ЙЎЛДОШЕВА, Марат ШАФИЕВ, Феруза ЖАЛИЛОВА.</p>	<p>IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босылди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0642. 7691 нусхада босылди. Қоғоз бичими — А-3. Босилиш топирилиш вақти 19.00. Топирилди — 18.30</p>	<p>• Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137 • Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. • Нашр курсаткичи: № 64563 • Телефон: 33-44-25</p>
---	---	--	--	--